

Тошкент давлат аграр университети балансидаги сотиб олинган асосий воситаларни ва товар моддий қийматликларни умумий бозор қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш бўйича

ТЕХНИК ШАРТ - 1

1. Тошкент давлат аграр университети балансидаги 2017-2021 йиллар ҳолатига сотиб олинган асосий воситалар ва товар моддий қийматликларни бозор баҳосини аниқлаш мақсадида мустақил баҳоловчи бўлган ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида: 132 турдаги лаборатория ускуналари ва жиҳозлари, 4 турдаги компьютер ва маншій хизмат техникалари, 1 турдаги музлатгич камераси қурилмаси, 68 турдаги мебель жиҳозлари, 5 турдаги кўрпа тушак ва матраслар, ўрнатилган жалюзи пардалари ҳамда бошқа турдаги асосий воситалар, офис жиҳозлари ва инвентарларни баҳолаш ишларини амалга ошириш бўйича баҳолаб бериш хизматлари учун эълон қилади.
2. Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:
 - Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - Баҳолаш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
 - Нодавлат, нотижорат ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
 - Ташкилот устави барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан;
 - Баҳоловчи ташкилотнинг касбга оид жавобгарлиги суғуртаси полиси нусхаси;
 - Лицензиялаш органи томонидан ўрнатилган тартибда баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларига берилган баҳоловчи сертификатларининг нусхалари ҳамда тажриба ва қилган ишлари тўғрисида маълумотлар;
 - Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;
 - Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ҳеч қандай қайд йўқлигига кафолат;
 - Баҳолаш ишининг бажарилиш муддати ва нархи кўрсатилган тижорат таклифи.
3. Баҳоловчи ташкилот экспертларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 68-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади, улар хулоса беришдан бўйин товлаганликлари ва била туриб ёлгон хулоса берган тақдирларида, ЖКнинг 238, 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилишлари огоҳлантирилади. Экспертлар қайта баҳолаш жараёнида, шунингдек, баҳолашни тугатгандан сўнг, керак бўлганда тергов ва суд жараёнларида иштирок этишлари шарт.

Молия-иқтисод ишлари бўлими
бўйича проректор

Бош ҳисобчи

Техник-фойдаланиш ва
хўжалик бўлими бошлиғи

Бош инженер

Юридик бўлим бошлиғи



А. Абдувасиков

А. Абдувасиков

А. Ботиров

Ф. Бабаджанов

Ф. Бабаджанов

С. Усманов

С. Усманов

Б. Хусенов

Б. Хусенов